# «ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН МОНИТОРИНГ АХБОРОТ ТИЗИМИ» ЁРДАМИДА ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Курбанов Б.[1], Икрамов Р. [1], Ёдгоров Ў. [1],**
**Алиев Д. [2], Акбаров Ф. [2], Матякубов М. [1]**
[1] *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси*
[2] *Узинфоком*

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО НАДЗОРА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ «ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО МОНИТОРИНГА ИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ – ИС ЭМИЗ»

**Курбанов Б. [1], Икрамов Р. [1], Ёдгоров У. [1],**
**Алиев Д. [1], Акбаров Ф. [1], Матякубов М. [1]**
[1] *Комитет санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан*
[2] *Узинфоком*

# IMPROVEMENT OF EPIDEMIOLOGICAL SURVEILLANCE USING THE «ELECTRONIC INFORMATION SYSTEM FOR MONITORING INFECTIOUS DISEASES»

**Kurbanov B. [1], Ikramov R. [1], Yodgorov U. [1],**
**Aliev D. [1], Akbarov F. [1], Matyakubov M . [1]**
[1] *Sanitary-Epidemiological Welfare and Public Health Committee under the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan*
[2] *Uzinfocom*

https://doi.org/10.62209/SPJ/vol4_iss1/art4

***Аннотация.*** Мақолада юқумли касалликларнинг қайд этилишининг анъанавий (қоғоз) усули ва хозирда Тошкент шаҳар Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида тест-синов тартибида ишга туширилган юқумли касалликларни электрон мониторинг ахборот тизимининг (ЮКЭМ АТ) афзалликлари ва самарадорлиги келтирилган.

ЮКЭМ АТ - Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг (кейинги матнларда - Санэпидқўм) ягона ташкилий-ҳуқуқий тизимда, эпидемиологик вазиятни марказлаштирилган назорат қилиш ва мониторингини таъминлаш учун яратилган ахборот тизимидир, у юқумли касалликлар шакллари ва ҳудудий мансублигини ҳисобга олган ҳолда Санэпидқўм тизимининг услубий ва ахборот майдони хисобланади.

**Калит сўзлар:** юқумли касалликлар, эпидемиологик назорат, касалланиш ҳолатлари, интенсив кўрсаткич, рақамлаштириш, ЮКЭМ АТ, ҳисобот шакллари, электрон дастур, IDASH, хариталаштириш.

**Аннотация.** В статье представлены преимущества и эффективность информационной системы электронного мониторинга инфекционных заболеваний – ИС ЭМИЗ (которая в настоящее время запускается в тестовом режиме в Юнусабадском и Мирзо-Улугбекском районах города Ташкента и Ходжайлинском районе Республики Каракалпакстан) в отноше-

нии традиционного метода учета инфекционных заболеваний.

ИС ЭМИЗ - это информационная система, созданная в рамках единой организационно-правовой системы Комитета Санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья (в последующих текстах - Санэпидком), для обеспечения централизованного контроля и мониторинга эпидемиологической ситуации, это методологическая и информационная область системы Санэпидкома, учитывающая формы и территориальную принадлежность инфекционных заболеваний.

**Ключевые слова:** инфекционные заболевание, эпидемиологический надзор, случаи заболевания, интенсивный показатель, цифровизация, ИС ЭМИЗ, формы отчетности, электронная программа, IDASH, картографирование.

**Abstract**. The article presents the advantages and effectiveness of an electronic information system for monitoring infectious diseases (which is currently being launched on a trial basis in the Yunusabad and Mirzo-Ulugbek districts of the city of Tashkent and the Khodjayly district of the Republic of Karakalpakstan), in relation to the traditional method of recording infectious diseases.

IS EMID - is an Information System created in the unified organizational and legal system of the sanitary and epidemiological tranquility and Public Health Committee (in subsequent texts-Sanepidcom), to ensure centralized control and monitoring of the epidemiological situation, it is the methodological and Information area of the Sanepidcom system, taking into account the forms and territorial affiliation of infectious diseases.

**Key words:** infectious diseases, epidemiological surveillance, disease cases, intensive indicator, digitalization, IS EMID, reporting forms, electronic program, IDASH, mapping.

**Муаммонинг долзарблиги.** Жамият саломатлиги кўп жиҳатдан унинг санитария-эпидемиологик осойишталигини сақлаш, аҳоли учун реал хавфсиз муҳитни таъминлаш ва “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги, “Аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган кафолатларига мувофиқ яшаш шароитига эга бўлиши билан белгиланади.

Соғлиққа асосий таҳдидлар турли манбалардан келиб чиқади ва вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш халқаро тиббий санитария қоидаларига мувофиқ жамоат саломатлиги соҳасида фавқулотда вазиятлар юзага келганда таҳдидларнинг олдини олиш ва тезкор ҳаракат қилиш тизимини ўз ичига олади.

Анъанага кўра, эпидемиологик назорат ва юқумли касалликларга қарши курашиш Санэпидқўмнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Шу билан бирга, мамлакатнинг ўта хавфли инфекциялар ва янги пайдо бўлган мутацияга учраган юқумли касалликларнинг олдини олиш соҳасида кучли институционал салоҳиятини оширишни давом эттириш зарурияти - изчил ва самарали тезкор жавоб тизимини тақозо этади.

Маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва алмашиниш жараёнларини рақамлаштириш ҳар қандай турдаги ҳодисаларни назорат қилиш ва таҳдидларнинг олдини олишда тезкорлик, аниқлик ва изчилликни кучайтириш ҳамда ҳудудлараро ва тармоқлараро ахборот алмашинувининг самарали ишлашини таъминлашга ёрдам беради.

Жумладан, Арманистонда йўл-транспорт ҳолатларини эпидемиясини ўрганишда мониторинг тизимининг шаклланиши пастдан юқорига (бемордан туманга, тумандан вилоятга, минтақадан миллий марказга, кейин турли тузилмаларга ва ЖССТга) доимий ахборот ҳаракатини назарда тутади. Шунингдек, юқоридан пастга (ахборотнинг тескари ҳаракати) ҳам. Ахборот оқимлари учун учта маълумотлар базаси асос бўлиб хизмат қилади: касалхонага ётқизиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, поликлиникаларга ташриф буюриш ҳолатлари ва йўл-транспорт жароҳатлари натижасида вафот этганлар тўғрисидаги маълумотлар [1].

Шу каби мониторинг тизимлари Россия Федерацияси таркибига кирувчи Татаристон Республикасида ҳам қўлланилган, Қозон

шаҳрида бўлиб ўтган “Универсиада-2013” иштирокчилари орасида юқумли ва паразитар касалликларнинг кунлик мониторинги, 2013 йил 26 июн куни жорий этилган “Эпидхавфсизлик” АИС (Автоматическая информационная система) тизими ёрдамида амалга оширилган. Эпидемиологик вазият белгиланган вақт режимида кузатилган. Роспотребнадзор юқумли касалликларни кузатиш учун шаблонларни ишлаб чиққан ҳамда юқумли ва паразитар касалланиш эҳтимоли билан уларнинг операцион таҳлили, фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабарнома маълумотларини Excel форматида экспорт қилиш имкониятлари яратилган [2].

Кўпгина адабиётларда келтирилишича, анъанавий ахборот алмашиниш тизими орқали маълумотларни йиғилиши, қайта ишланиши ва жавоб чораларининг жойларга кўрсатма орқали етказилиши 12 соатдан 48 соатгача вақтни эгаллайди. Юқумли касалликка чалинган бир нафар бемор бу вақт ичида камида 2-3 нафар соғлом одам билан мулоқот қилади, натижада ушбу соғлом шахсларни касалликни яширин даври муддати давомида тиббий назоратга олиш ва карантин чораларини белгилашга зарурат туғилади [3, 4,5].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда юқумли касалликларни назорат қилиш тизимини рақамлаштириш ва автоматик ахборот тизимлрини жорий қилиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Юқумли касалликларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимларининг ҳозирги ҳолати.

Ҳозирги кунда, жойлардаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 2000 йил 13 декабрдаги “Айрим юқумли ва паразитар касалликларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги 630-сонли [3] буйруғининг 2.2 бандига мувофиқ – юқумли касалликлар аниқланган(гумон қилинган)да (ушбу буйруқнинг 1.5–1.7 банди рўйхатига асосан), эмлашдан кейинги ўзгача таъсирларда, хайвонлар тишлашидан жарохатланган(сўлакланган)да: “Юқумли касаллик, озиқ-овқатдан ўткир, касбига кўра иш жойида заҳарланиш, эмлашдан сўнг ўзгача реакциялар хақида тезкор хабарномани (058-/х.ш) ёзма тўлдириб, ҳудудий Санэпидқўмита бўлимларига 12 соат муддат ичида (дастлаб телефон орқали, кейин ёзма хабар) тақдим қилиш тартиби амал қилмоқда.

Шунингдек юборилган хабарномадаги беморлар тўғрисидаги маълумотлар 060-х.ш. шаклдаги “Юқумли касалликларни қайд қилиш” журналига ҳам киритиб борилади.

Ушбу жараёнларни бажаришда хабарномаларни қоғоз шаклини тўлдириш ва ҳудудлардаги Санэпидқўмита бўлимларига етказиш давомийлиги камида 12 соатдан 24 соатгача вақтни ўз ичига олади. Шунга кўра аниқланган юқумли касалликлар ўчоғидаги эпидемияга қарши тадбирлар хабарнома келиб тушганидан сўнг амалга оширилади, натижада юқумли касалликка чалинган беморнинг соғлом одамлар билан мулоқот қилиши ва касаллик қўзғатувчисини йўқ қилишга қаратилган чораларни кечикиб бажарилишига сабаб бўлади.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликларни эрта аниқлаш, ахборот алмашинуви, касалликларни тарқалганлиги, тенденциясини ўз вақтида мониторинг қилиш ва юқумли касалликлар ўчоқларини локализация қилиш ҳамда уларни тарқалишига йўл қўймаслик бўйича тезкор ва фавқулотда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти чегараланган.

Тадқиқотнинг мақсади юқумли касалликларнинг қайд қилинишидаги р***ақамлаштирилган тизимнинг анъанавий тизимга нисбатан самарадорлигини тест-тартибида ишлаётган туманлар (***Тошкент шаҳар Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани) мисолида таққослаш.

Тадқиқотнинг материаллари ва текшириш усуллари.

Тадқиқот учун Тошкент шаҳар Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани Санэпидқўмита бўлимларида СДС ва Вашингтон Университети тавсиялари асосида тузилган IDASH (Informatics and Data Science for Health) электрон дастурига асосланган ЮКЭМ АТ орқали ҳар бир касалланиш

ҳолатларини қайд этиш синов сифатида жорий этилди. Электрон дастур асосида синов ҳудудларидаги касалланиш ҳолатларини хариталаштириш орқали визуаллаштирилиб, натижалар ушбу дастурда кўзда тутилган статистик усулда таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари.

Олдинги тизимда маълумотлар қоғоз шаклида йиғилиб кейинчалик Excel дастурига киритилиб, юқори турувчи ташкилотларга тақдим этиб борилган. Бу дастурда инсон омили натижасида катта эҳтимол билан хатоликлар юзага келиши, маълумотларнинг нотўғри киритлиши(саналарда хатолик ёки касалланганларнинг шахсий маълумотларида хатоликлар)даги камчиликларни бартараф этиш ва вақтдан ютиш ҳамда тезкор қарши чоралар кўриш мақсадида янг тизимни ишга тушириш орқали кўп жихатдан керакли маълумотларни тўғри ва тезкор тизимга киритилишига, таҳлил қилинишига ҳамда тезкор қарши чоралар кўришга эришишимиз мумкин.

| **Олдинги тизим** | **ЮКЭМ АТ** |
|---|---|
| Шошилинч хабарнома қоғозга туширилиши ва телефон орқали хабар берилиши  | Шошилинч хабарнома онлайн тўлдирилиши  |
| Эпид. картани қоғозга туширилиши  | Эпид. картални онлайн тўлдирилиши  |

Reproduced form (image 1):

Код формы по ОКУД
Код учреждения по ОКПО

Министерство здравоохранения СССР — Медицинская документация Форма N 058/у Утверждена Минздравом СССР 04.10.80 N 1030

наименование учреждения

ЭКСТРЕННОЕ ИЗВЕЩЕНИЕ
об инфекционном заболевании, пищевом, остром профессиональном отравлении, необычной реакции на прививку

1. Диагноз ___ подтвержден лабораторно: да, нет (подчеркнуть)
2. Фамилия, имя, отчество ___ 3. Пол ___
4. Возраст (для детей до 14 лет - дата рождения) ___
5. Адрес, населенный пункт ___ район ___ улица ___ дом N ___ кв. N ___ (индивидуальная, коммунальная, общежитие - вписать)
6. Наименование и адрес места работы (учебы, детского учреждения) ___
7. Даты:
заболевания ___
первичного обращения (выявления) ___
установления диагноза ___
последующего посещения детского учреждения, школы ___
госпитализации ___

Reproduced card (image 3):

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК ЎЧОҒИНИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТЕКШИРИШ КАРТАСИ
1.БЕМОР (КАСАЛ) ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

<table>
<tr><th>Маълумотларни эхсел дастурига киритилиб, еғилиши</th><th>Онлайн равишда касалланганларнинг рўйхатининг шакллантирилиши</th></tr>
<tr><td>
<table>
<tr><td rowspan="3">№</td><td rowspan="3">Шаҳар ва туманлар</td><td colspan="5">Йиллик-жаъми</td><td colspan="3">ш.ж.шахар ахолиси 2023йил</td><td colspan="3">ш.ж.кишлок ахолиси 2023йил</td><td colspan="2">14 ёшгача болалар 2023й</td></tr>
<tr><td colspan="2">Абсолют сон</td><td colspan="2">Интенсив кўрсатгич</td><td rowspan="2">Кўпайиш+ Камайиш-</td><td rowspan="2">Абс. сон</td><td rowspan="2">интенс. курсатк</td><td rowspan="2">уд вес</td><td rowspan="2">Абс. сон</td><td rowspan="2">интенс. курсатк</td><td rowspan="2">уд вес</td><td rowspan="2">Абс. сон</td><td rowspan="2">интенс. курсатк</td></tr>
<tr><td>2022</td><td>2023</td><td>2022</td><td>2023</td></tr>
<tr><td>1</td><td>Қорақ-тон Р-си</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>2</td><td>Андижон вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>3</td><td>Бухоро вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>4</td><td>Жиззах вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>5</td><td>Қашқадарё вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>6</td><td>Навои вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>7</td><td>Наманган вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>8</td><td>Самарканд вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>9</td><td>Сурхондарё вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>10</td><td>Сирдарё вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>11</td><td>Тошкент вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>12</td><td>Фарғона вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>13</td><td>Хоразм вилояти</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>14</td><td>Тошкент ш.</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td>Жаъми</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
</td><td>


</td></tr>
<tr><td>Тезкор хабарномаларнинг телефон ёки факс орқали хабар берилиши, хисоботлар, эпидемиологик карта ва далотлатномаларнинг қоғоз шаклида ёзиб топширилиши. Эпидемиологик вазиятни ҳудудларга чиқиб ўрганиш, вилоятлардан ишчи ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларга хисоботларни бериши орқали иш жойини тарк этиши, кўплаб вақт йўқотиш ва қоғозбозчилик ортидан инсон фактори натижасида юзага келган хатоликларнинг учраб туриши.</td><td>Хабарларнинг онлайн режимда тезкорлик билан тўлдириб жўнатилиши, юқумли касалликлар реестри маълумотларидан онлайн фойдаланиш имконини беради. Эпидемиологик текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларга кўра, ҳудудлар бўйича эпидемиологик вазият назорат қилинади.<br><br>Катта ҳажмдаги мунтазам ишларни автоматлаштиради ва уни амалга ошириш учун иш вақтининг бехуда сарфланишини бартараф этади</td></tr>
<tr><td>Худудлардаги вазият ҳақида маълумотлар тезкорлик билан фақат телефон орқали хабарлар олиб туриш мумкинлиги, умумий касалланишлар сонини мавжуд ҳисоботлар орқали таниша олиш холати.</td><td>Худудларга чиқмаган холда эпидемиологик вазиятни кузатиш ва назорат қилиш.<br><br>Хариталаш орқали ҳар битта тасдиқланган касалланиш холатларини онлайн режимда дастурда кўриниши ва унга нисбатан жавоб харакатларни тезкорлик билан назорат қилиш мумкинлиги.</td></tr>
</table>

**ЮКЭМ АТ** - юқумли касалликларнинг аниқланган ҳолатларини қайд этиш, ҳисобга олиш ва уларга жавоб қайтариш жараёнларини автоматлаштириш, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасини ягона ташкилий, ҳуқуқий тизимда эпидемиологик вазиятни марказлаштирилган назорат қилиш ва мониторингини таъминлаш учун яратилган ахборот тизимидир, юқумли касалликлар шакллари ва ҳудудий мансублигини ҳисобга олган ҳолда қўмита тизимининг услубий ва ахборот майдони хисобланади.

2023 йилда СДС ва Вашингтон Университети бошчилигида IDASH (Informatics and Data Science for Health) дастури тузилган бўлиб, ушбу дастур 1 йил давомида эпидемиолог ва ахборот технологиялари дастурчилари билан ҳамкорликда ишлашини таминлаган ҳолда ҳозирги кунда мавжуд ЮКЭМ АТ тизимдаги маълумотлар базасини дашбордлар яратган ҳолда таҳлил қилиш ва Ўзбекистон Республикаси картасида янги касалланишлар ҳолатларини кўрсатиб бериш учун тузилган. Бу дастурда янги касалланиш ҳолатларини онлайн режимда кузатиб бориш ва унга тезкорликда жавоб бериш мақсадида дастурни хариталаш кўзда тутилган. Платформа **харитасида** янги касалланишлар сонининг нуқтали кўриниши (ҳамда жинс бўйича тақсимоти, худудий ва динамик ўзгаришлари) қайд қилиб борилиши назарда тутилган (1-расм).




**1-расм. Харитада янги касалланишлар сонининг нуқтали кўриниши**

Биз бу харитада маълум бир вақт оралиғида ёки ҳозирги вақтда онлайн қайд қилинаётган касалланиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаларини яққол кўришимиз мумкин. Бунда, янги касалланишлар сони ҳажм жихатдан яққол кўзга ташланадиган бўлиши кўзда тутилмоқда.

Ушбу харитадаги касалланишлар тўғрисидаги маълумотларни йиллар, ойлар, ҳафталар ёки кунлар кўринишида касалликларнинг қайд қилинишининг график кўринишини тасвирлаш ва ҳозирги йилдаги кўрсаткичларни олдинги йил кўрсаткичлар билан солиштириш орқали касалланишларнинг мавсумий ўзгаришларини ёки эпидемик ўчоқлар пайдо бўлганлигини кўзатишимиз мумкин (2-расм).




**2-расм. Касалликларнинг қайд қилинишининг график кўриниши**

Юқумли касалликлар билан касалланиш тўғрисидаги маълумотларни жинс тафовути бўйича белгиланган касаллик ёки назологиямизда жинси (эркак ёки аёл) ва ёш кўрсаткичлари пирамида диаграммасида (3-расм) фоиз ёки миқдорий кўринишда (абс ёки интенсив кўрсаткич) кўришимиз мумкин. Бу дашбордлар орқали касалланишларнинг тўлиқ таҳлил қилишимиз ва маълум карантин ёки профилактик чораларни маълум ёш гуруҳларида ўтказилиши зарурлиги яққол намоён бўлади.




**3-расм. Юқумли касалликлар билан касалланиш тўғрисидаги маълумотларнинг жинс (эркак ёки аёл) ва ёш кўрсаткичларининг фоиз ёки миқдорий кўриниши**

Бу дашбордлар орқали ҳозирги кунда ишлаб келаётган ва маълумотлар базасига киритилаётган маълумотларни тўлиқ ва чуқурроқ тахлил қилишимиз ва шу маълуотлар орқали янгича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали мамлакатимизда касалланишлар сонини камайтириш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлашга эришишимиз мумкин.

**Хулоса**

ЮКЭМ АТни жорий этиш натижасида:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борадаги давлат сиёсати ва қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда электрон ахборот тизими шакллантирилади;

потенциал ўчоқларни аниқлаш ва баҳолаш, эпидемиологик мониторинг ва республикадаги юқумли касалликларнинг табий ўчоқларида эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда шаффофлик (100%) таъминланади;

қўмита томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун республика, вилоят, туман/шаҳар миқиёсидаги (ҳудудлар кесимида) юқумли касалликлар ўчоқлари тўғрисида ишончли маълумотларни олиш самарадорлиги оширилади (100%);

юқумли касалликларнинг эпидемиологик фаоллигини кенг миқёсда мониторинг қилиш имкониятига ўтиш таъминланади;

эпидемиялар, шунингдек, техноген ёки табий офатлар натижасида юқумли касалликлар тарқалишининг реал таҳдиди юзага келган тақдирда ўз вақтида жавоб қайтариш имконини оширади;

юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган илғор методологиялар, стандартлар ва амалиётларни электрон ахборот тизими орқали жорий этиш таъминланади;

эпидемиологик вазият бўйича олинган маълумотларни (кун, ҳафта, ой, чорак натижалари бўйича ҳисоботларни) тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш бўйича қўмита ходимларининг иш юкламаси ҳажми қисқаради;

янги ишлаб чиқилган “Юқумли касалликларни электрон мониторинг ахборот тизими”нинг ишга туширилиши, бир вақтнинг ўзида хабар етказиш вақтини (онлайн тарзда) қисқартириш, қоғоз сарф қилишни тежаш ва юқумли касалликлар ўчоғидаги эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирларини эрта белгилаш ҳамда амалга ошириш имконини беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. С.Э.Багдасарян, к.м.н., доцент Л.М.Аветисян, к.м.н., доцент, Источник. Общественный ежемесячный отчет здравоохранения Армении 1-12.2007 No.5,2007.
2. Патяшина М.А., Юзлибаева Л.Р., “Применение современных информационных технологий при обеспечении санитарно-эпидемиологического благополучия массовых мероприятий с международным участием”, Казанский медицинский журнал, 2015 г., том 96, №2.
3. Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 2000 йил 13 декабрдаги “Айрим юқумли ва паразитар касалликларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги 630-сонли буйруғи.
4. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. Эпидемиология, Санкт-Петербург, 2006 год.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.2010 йилдаги “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 155-сон қарори, https://lex.uz/docs/1659619.